



20 20 у « 26 » октябр

№ Қ-1659

« » 20 г

Тумандаги “**BOG'BONLAR YURTI SURXON**” номли боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалигини ташкил этиш ва ижарага ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 6, 53-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 10, 11-моддаларига мувофиқ, Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 2020 йил 14 октябрдаги 49-сонли йиғилиш баённомаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 10, 25-моддаларига асосланиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 2020 йил 14 октябрдаги 49-сонли йиғилиш баённомаси тасдиқлансин.

2. Ўтказилган танлов якунига асосан ғолиб деб топилган Холтўраев Джуманазар бошлиқ “**BOG'BONLAR YURTI SURXON**” номли боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этилсин ва унинг Низоми рўйхатга олинсин ҳамда “Ш.Мирзаев” массиви “Арпапоя” маҳалла фуқаролар йиғини худудида хўжалик харитасининг 429-дала контурларида жойлашган жами 5,12 гектар шундан, 4,85 гектар боғ, 0,12 гектар арик, 0,15 гектар йўл ер майдони 40 (қирқ) йил муддатга ижарага ажратиб берилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36-моддаси 10-банди талабига асосан кишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун бериб қўйилган ер участкасидан бир йил мобайнида фойдаланилмаганида мазкур қарор бекор қилиниб, ер майдони қайтариб олиниши белгилаб қўйилсин.

4. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи Х.Йўлдошевга туман ер хисоботига тегишли ўзгартириш киритиш, фермер хўжалиги ва туман ҳокимлиги ўртасида ер участкасини узоқ муддатга ижарага олиш шартномасини расмийлаштириш вазифаси юклатилсин.

5. Туман Давлат хизматлари маркази раҳбари Н.Мўминовга фермер хўжалигини Давлат рўйхатиغا олиш вазифаси юклатилсин.

6. Фермер хўжалиги раҳбарига ўз хошишига кўра тижорат банкларининг биридан ўзининг ҳисоб рақамини очиш тавсия этилсин.

7. Туман ҳокимлиги девонхона бўлими (Ш.Чориев)га мазкур “BOG'BONLAR YURTI SURXON” номли пахта ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалигини ташкил этиш тўғрисидаги қарор нусхаларини тегишли ташкилотларга етказиш вазифаси юклатилсин.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Қ.Алматов зиммасига юклатилсин.

9. Мазкур қарорнинг тасдиғи вилоят ҳокимлигидан сўралсин.

Туман ҳокими



Р.Гаппаров

TO'G'RI
ZBEKISTON RESPUBLIKAS
SURXONDARYO VILOYAT
QUMQO'RG'ON TUMAN
HOKIMI UMUMIY
BO'LIM MUDIR